

Вобкент туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи директори Қурбонов Нематулло Толибович бир томондан ва иккинчи томондан “Абдуғани Шохрухбек буюк истиқбол қурувчи” МЧЖ (бундан буён “БАЖАРУВЧИ” деб аталади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи раҳбари Ғ.Жабборовлар иштирокида ЎзРТХБнинг etender.uzex.uz ахборот порталига жойлаштирилган ЛОТ №61022 - сонли эълонида асосан ушбу шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “БАЖАРУВЧИ” ўз зиммасига “БУЮРТМАЧИ”нинг 2022 йил “30” мартдаги ЎзРТХБнинг etender.uzex.uz ахборот порталига жойлаштирилган ЛОТ №61022 - сонли эълонидаги топшириғига кўра ўз ҳисобидаги техника воситалари билан белгиланган объектларда хизмат кўрсатиш мажбуриятини “БУЮРТМАЧИ” эса ушбу бажарилган ишларни қабул қилиб олиш ва тўловни ушбу шартномага мувофиқ амалга ошириш мажбуриятини олади. “БАЖАРУВЧИ”нинг техника воситалари ҳақидаги маълумот иловаларда кўрсатилган.

1.2. “БАЖАРУВЧИ” ўзига тегишли бўлган иш хизматни ушбу спецификацияга асосан “БУЮРТМАЧИ” бажариб топшириши, “БУЮРТМАЧИ” эса иш хизматни қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Иш хизмат номи	Ў/б	Сони	Нархи	Суммаси
1	Экскаватор хизмати	Ой	1	30 000 000	30 000 000
	Жами:				30 000 000

1.3. Мазкур жадвалда кўрсатилган иш-хизматни бажариш муддати: 1 (бир) ой

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “БАЖАРУВЧИ” “БУЮРТМАЧИ”га хизмат кўрсатишда қуйидагиларга мажбур:

- “БАЖАРУВЧИ” мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади;
- “БУЮРТМАЧИ”га юк ортиш техника воситасини соз ҳолда тақдим этиш;
- “БУЮРТМАЧИ” тарафидан белгиланган ишларни муддатида бажариш;
- амалдаги юк ортиш, техника хавфсизлиги, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш;
- юк ташиш хавфсизлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш учун керакли шароитларни яратиш;
- техника хавфсизлиги ва йўл транспорти ҳаракати қоидаларига риоя этиш ва атроф муҳитни ислослантиришга оид талабларни бажариш;
- ишларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида юклаш техника воситаларини Етарли миқдорда ёқилғи мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш;
- “БУЮРТМАЧИ”га етказилган зарани қоплаш;
- амалдаги тартибларга кўра юк ортиш ҳисоботини ва унинг ҳужжатларини расмийлаштиришни таъминлаш;
- юк ташиш техникасини бутлигини таъминлаш;
- юк ташиш техникасини ўз вақтида ишлаш жойида таъмирлаш ишларини ўз ҳисобидан бажариш;
- бажарилган ишлар бўйича далолатномаларни (ТТН) ўз вақтида хизмат кўрсатилган ойдан кейинги ойнинг 10 санасигача “БУЮРТМАЧИ”га тақдим.

2.2. “БУЮРТМАЧИ” мажбурияти:

- ушбу шартнома шартларини бажариш;
- юкни ташиш бўйича барча қоидалар талабларига риоя қилиш;
- ташиладиган юкнинг лозим ҳужжатларини ўз вақтида “БАЖАРУВЧИ”га тақдим этиш;
- автоуловларнинг ташиладиган юклар атрофида хавфсиз эркин ҳаракатланишини таъминлаш;
- автоуловлардан мақсадли ва ўзаро келишилган хавфсиз йўналишларда фойдаланиш;
- хайдовчилар йўл варақаларини ўз вақтида расмийлаштириш, лозим ҳужжатларга автоуловларнинг “келган ва кетган” вақти белгиларини қўйиш;
- “БАЖАРУВЧИ”га юк ташиш техникасининг ташиш йўналишини белгилаш.

3. ШАРТНОМА БАҲОСИ

3.1. Шартноманинг тузилган вақтидаги умумий нархи “Бажарувчи” томонидан “Буюртмачи” танлов комиссиясига тақдим этилган тижорат таклифига асосан 30 000 000 (утғиз миллион) сўмни ташкил этади.

3.2. Шартноманинг баҳоси томонларнинг ҳар иккаласи томонидан маъқулланиб, инфляция оқибатларига кўра ўзгариши мумкин.

4. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

4. ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

- 4.1. “БУЮРТМАЧИ” “БАЖАРУВЧИ”га бажариладиган ўртача ойлик иш ҳажми кийматининг 15 (ўн беш) фоизи миқдориди хизмат кўрсатиладиган ойнинг 15 санасигача аванс тўловларини пул кўчириш йўли билан амалга оширади.
- 4.2. “БУЮРТМАЧИ” кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг бажарилган ойлик иш ҳажми кийматининг қолган қисмини, хизмат кўрсатилган ойдан кейинги ойнинг 30 санасигача амалга оширади.
- 4.3. Ёқилғи мойлаш маҳсулотлари иш бажариш жараёнида “БАЖАРУВЧИ”нинг ўзида мавжуд бўлмаганлиги сабабли юк ташиш техникаси иши тўхтаб қолса, “БУЮРТМАЧИ” ўз имкониятидан келиб чиқиб, “БАЖАРУВЧИ”нинг юк ташиш техникасини ёқилғи мойлаш маҳсулотлари билан таъминлайди.
- 4.4. Юк ташиш техникаларига “БУЮРТМАЧИ” томонидан ажратилган ёқилғи мойлаш маҳсулотлари бўйича алоҳида ҳисоб-китоб юритилиб, ўзаро келишув орқали ёки бажарилган ишлар кийматидан сакланиб қолинади. “БУЮРТМАЧИ” томонидан етказиб берилган ёқилғи мойлаш маҳсулотлари “БАЖАРУВЧИ” томонидан “БУЮРТМАЧИ” учун бажарилаётган объектлардагина иш бажариш учун сарфланиши шарт, акс ҳолда ёқилғи мойлаш маҳсулотлари киймати “БАЖАРУВЧИ”дан икки баробар юқори нархларда чегириб қолинади.
- 4.5. Ҳар ойнинг 15-санасидан кечикмасдан тарафлар ўзаро солиштирма далолатномасини тузиб, ўтган ойда бажарилган ишлар учун ҳисоб-китобларни имзолашади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор тараф:
- Иккинчи тарафга етказилган зараларни қоплайди;
 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибларда жавобгарликка тортилади.
- 5.2. Ўз вақтида тўланмаган тўловлар учун “БУЮРТМАЧИ” “БАЖАРУВЧИ”га ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган шартларнинг 0,1% миқдориди пеня тўлайди, аммо пенянинг миқдори бажарилмаган мажбуриятлар нархининг 10% идан ошмаслиги керак.
- 5.3. “БАЖАРУВЧИ” ўз зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлиги учун “БУЮРТМАЧИ”га муддати ўтказиб юборилган хизматларнинг ҳар бир кунини учун 0,1% миқдориди пеня тўлайди, лекин, пенянинг миқдори бажарилмаган ишлар нархининг 10%идан ошмаслиги керак.
- 5.4. Пеня тўланиши тарафларни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарани қоплашдан озод қилмайди.
- 5.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур шартномада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган тараф иккинчи тарафга тараф томонидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

6. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

- 6.1. Томонларнинг бирортаси ҳам бошқа томоннинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини томонларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ҳолатлар (ер кимираши, сув босиши, ёнғин ва бошқа табиий офатлар) билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.
- 6.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.
- 6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган томон шартнома бўйича мажбуриятини бажаришга унинг таъсис кўрсатиши ёки моънелик қилиш тўғрисидаги бошқа томонга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.
- 6.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар уч ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаган бўлса, бир томон иккинчи томонга хабар юбориш йўли билан хабар йўлланганидан сўнг 5 кун муддатда шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

- 7.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгаришлар ёзма равишда расмийлаштириб, ҳар икала томон имзолагандан кейин ҳақиқий кучга эга бўлади.
- 7.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.
- 7.3. “Буюртмачи” қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
“Бажарувчи”нинг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;
“Бажарувчи”нинг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

- 7.4. “Бажарувчи” қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-“Буюртмачи” томонидан “Бажарувчи”га боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларини боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда:

-“Буюртмачи” томонидан лойиҳа ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиши билан боғлиқ ҳолда ишларнинг баҳоси 50 (эллик) фоиздан кўпга камайганда:

“Буюртмачи” томонидан кейинчалик қуришни молиялаш имконияти йўқотилганда.

7.5. “Буюртмачи” ва “Бажарувчи”нинг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, “Буюртмачи”га тугатилмаган қурилиш топширилади. “Буюртмачи” “Бажарувчи”га улар томонидан аниқланган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

7.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон бошқа томонга шартнома бекор қилинидан 5 кун олдин ёзма равишда хабарнома юборган ҳолда амалга ошириши мумкин.

7.7. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган ва 2021 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Томонлар ўртасидаги ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Бухоро вилоят Пешку туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

“Буюртмачи”

Вобкент ТЙФУК

Вобкент шаҳри, Беруний кўчаси, 10

Х.р. 2021 0000 9037 6229 7001

Банк: Бухоро ш. ТИФ Миллий банки АЖ.

МФО: 00084 ИНН: 201407973,

Код ОКЭД: 42110



Н.Қурбонов

“Бажарувчи”

“Абдугани Шохрухбек буюк истикбол

қурувчи” МЧЖ


Манзил: Вобкент шаҳри Ўбакулolon кучаси

Х.р: 20208000300595735001

Банк: АТБ Ипотека банк Бухоро ф

МФО: 00088 ИНН: 303831260

Код ОКОНХ: 61110



Ғ.Жабборов